

O'zbekiston
iqtisodiy
axborotnomasi

2/2013

TAHLILY JURNAL

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

1919

Экономический
вестник
Узбекистана

ISSN 2010-6475




4780090020022

Buxoro viloyatiga xush kelibsiz!

O'zbekiston taraqqiyotida qadimiy zaminning o'rni

Добро пожаловать в Бухарскую область!

Значение исторического края в развитии Узбекистана





Muassis:

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot vazirligi

Tahrir kengashi raisi

Saidova G.K.

Tahrir kengashi:

Abdurahmonov Q.X.

Ashrafxonov B.B.

Iminov B.M.

Oltiev A.S.

To'raev B.E.

Xaitov A.A.

Shayxov A.E.

G'ulomov S.S.

Bosh muharrir

Saydaxmedov A.

Navbatchi muharrir

Rahimov S.T.

Bo'lismuharriri

G'oipova S.A.

Reklama bo'limi mudiri

A'zamov Sh.B.

Jurnal tarqatish bo'limi mudiri

Xalilov D.A.

Badiiy muharrir

Belyatskaya Ye.V.

O'zbekiston
iqtisodiy
axborotnomasi
2013 TAHILY JURNAL ©
АНАЛИТИЧЕСКОЙ ЖУРНАЛ 1919
Экономический
вестник
Узбекистана

Manzilimiz:

100003, Toshkent sh.,
O'zbekiston shohko'chasi, 55.

Telefonlar:

239-11-25 (qabulxona);
259-22-53 (mas'ul kotib);
259-22-26 (reklama bo'limi);
259-20-79 (jurnal tarqatish bo'limi);
e-mail: evu@uznet.net;
vestnik1919@mail.ru

Mundarija

Nº 2/2013 00603

12

RIVOJLANISH DASTURI

12 Taraqqiyot pillapoyalari

16 Mustaqillik bergen cheksiz imkoniyatlar

24

ISLOHOTLAR SAMARASI

24 Ko'hna va navqiron Buxoro

28

28 «Buxoroagrosaxovat»: el farovonligi yo'lida

31

31 Jamiyat rivojlanishi ta'limdan boshlanadi

36 Davr talabidagi tibbiy xizmat

40 Qishloq xo'jaligini isloh qilish

44

IQTISODIYOT VA INVESTITSIYA

44 Kichik biznesni investitsiyalashda xorij tajribasi

48 Iqtisodiyot rivojlanishida investitsiyalar o'rni

52

HUDUDIY IQTISODIYOT

52 Yangilanish jarayonlariga mos qadam

54 Rivojlanishning istiqbolli rejalar

56

56 Yuqori natjalarga erishayotgan «Yulduz»

Содержание

TOTAL
NUMBER

№ 2/2013 00603

TOTAL
NUMBER



Учредитель:

Министерство экономики
Республики Узбекистан

Председатель
редакционного совета
Сайдова Г.К.

Редакционный совет

Абдурахманов К.Х.

Ашрафханов Б.Б.

Алтиев А.С.

Гулямов С.С.

Иминов Б.М.

Тураев Б.Э.

Хайтов А.А.

Шайхов А.Э.

Главный редактор

Сайдахмедов А.

Дежурный редактор

Бондарчук Т.Н.

Зав. отделом рекламы

Азамов Ш.Б.

Зав. отделом

распространения

Халилов Д.А.

Художественный редактор

Беляцкая Е.В.

58

Mehnatdan kelar farovonlik, obodlik! 58

Sahro bag'ridagi gavhar 60

Ezgu maqsadlar ro'yobi 62

64

BOZOR MEXANIZMLARI

Aholi bandligini oshirishning asosiy yo'nalishlari 64

Sanoat taraqqiyoti aholi turmush darajasini yuksaltirish garovi 66

Mintaqalarda innovatsiyaviy faoliyat statistikasi 70

Tadbirkorlik rivojlanishida banklar o'rni 75

O'zbekistonda bank kapitali samaradorligini oshirish yo'nalishlari 76

81

ПРОГРАММЫ РАЗВИТИЯ

Высокий потенциал 81

Безграничные возможности, обретённые с независимостью 84

Древняя и цветущая Бухара 90

94

ЭФФЕКТИВНОЕ РЕФОРМИРОВАНИЕ

Становление общества начинается с образования 94

Медицина нового времени 98

Прогрессивное сельское хозяйство 102

O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi
Экономический
вестник
Узбекистана

Адрес редакции:

100003, г. Ташкент,
просп. Узбекистанский, 55.

Телефоны:

239-11-25 (приёмная);
259-22-26 (отдел рекламы);
259-20-79 (отдел распространения);

e-mail: evu@uznet.net;
vestnik1919@mail.ru

SANOAT TARAQQIYOTI AHOLO TURMUSH DARAJASINI YUKSALTIRISH GAROVI

Нарзилло Рустамов,
стажёр тадқиқотчи-изланувчи

Aҳоли турмуш дарајасини ошириш иқтисодиёт тармоқларининг ҳар томонлама ривожлантирилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунда саноат корхоналарининг юқори самарадорлигига эришиш муҳим омил саналади. Маълумки, «Обод турмуш йили» деб номланган жорий йилда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари аҳоли даромадларини кўпайти-

риш, турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган. Айтиш жонизки, бу борада Бухоро вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят аҳолиси ҳозирги кунда қарийб 1729,9 минг кишини ташкил этиб, уларнинг 62 фоизи қишлоқларда ва 38 фоизи шаҳарларда истиқомат қиласди. Шундан иқтисодий фаол аҳоли сони 2012 йилда 1073,3 минг кишига, унинг аҳоли таркибидаги улуши 62,0 фоизгача кўпайди, меҳнат ре-

сурслари эса аҳолининг 59,5 фоизини ташкил этмоқда.

2012 йил якунида республикамизнинг бошқа ҳудудлари қатори Бухоро вилояти иқтисодиёти тармоқларида ҳам ўсиш суръатлари кузатилиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,9 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса 4,8 фоизга аҳолининг реал даромади 15,7 фоизга ошиди.

Маълумки, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган





асосий мақсад турли соҳаларда бўлгани каби саноат тармоқларида ҳам ишлаб чиқаришни юқори суръатлар билан ривожлантиришидир. Бу борада Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ва унинг ҳудудий дастурлари асосида, 2011 йил 29 июндан «2011–2013 йилларда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу қарорларда кўзда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, 2011–2012 йилларда Бухоро вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий дастури ва яна бошқа жами саккизта дастурнинг ижросини таъминлаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилди.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2013 йилда вилоятдаги барча мулкчилик шаклидаги саноат корхоналари томонидан 2,5 трлн сўмлик, шундан ҳудуд тасарруфидаги корхоналар томонидан 507,0 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 55,1 млрд сўмлик маҳаллийлаштирилган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари тайёрланди.

Умуман, 2013 йилда вилоятда саноатни ривожлантириш мақсадида марказий банк вилоят бошқармаси, «Фарбгазтъминот» ҳудудий корхонаси, «Бухоро электр тармоқлари» ҳиссадорлик жамияти билан биргалиқда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, фаолият кўрсатиб келаётган 1612 та саноат корхоналарини тўлиқ қувват билан ишлашини, уларнинг электр энергия, газ таъминоти ва бошқа коммунал хизматлари ҳамда айланма маблағлар билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Яна бир ва-

зифа, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи сифатида рўйхатда турган 403 та саноат корхоналари ҳамда 134 та бўш турган биноларнинг ҳолати таҳлил этилиб, уларда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланди. Бундан ташқари, вилоятдаги кам маҳсулот ишлаб чиқараётган саноат тармоқлари (энергетика, қора металлургия, кимё ва нефть-кимё, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ва бошқалар) учун ушбу соҳа маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларни кўпроқ амалга ошириш ва мавжуд корхоналарни модернизация қилиш тадбирлари белгиланди. Шунингдек, 2013 йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган саккизта дастур доирасидаги лойиҳа қиймати 174,2 млрд сўм ва 109,0 млн АҚШ долларига тенг бўлган 626 та лойиҳани тўлиқ амалга ошириш ва бунинг эвазига 94,2 млрд сўмлик кўшимча саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш белгиланди. Жумладан, 2013 йилнинг якунигача «Пешкутекс» кўшма корхонасининг ишлаб чиқариш қувватини 40 фоизга ошириб, йилига қўшимча яна 1000 тонна калава-ип ва 2,5 млн квадрат метр чит мато ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади. Бунинг натижасида, 60 та янги ишчи ўринлари яратилиди. Шу мақсадда корхонага 2 млн АҚШ доллари миқдорида валюта кредити ажратилиди. Я淨

«Кармана туманидаги «Zarafshon Don Invest» масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтган йили 1,5 миллиард сўмлик макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Эътиборлиси, ана шундай корхоналар ҳисобига ўтган йили туманда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 109 фоизга ўсди»**



бир истиқболли йўналишлардан бири, фермер хўжаликларининг кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишдан иборатdir. Бу борада жами қиймати 53,5 млрд сўмга teng бўлган 1023 та лойиҳа амалга оширилиши ҳамда 4306 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, иқтисодий ўсишини таъминлашдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ахоли турмуш даражасини оширишdir. Бунинг учун шубҳасиз, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, саноатни ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан 2015 йилгача республикамиз саноатини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари белгилаб олинди.

Бухоро вилоятида ҳам 2011–2015 йилларда саноатни ривожлантириш ҳудудий дастури ишлаб чиқилиб, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тақдим қилинган услубиятга кўра, вилоятнинг барча ҳудудларида мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари, маҳсулот турлари ва қувватлари ҳамда улардан фойдаланиш даражаси ўрганиб чиқилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича асо-

сий саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ва уларни қондириш бўйича қувватларни ҳудудларда жойлаштиришга эътибор қаратилди. Мазкур дастур асосида Бухоро вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг истиқболдаги кўрсаткичлари белгилаб олинди.

Маълумки, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишини таъминлашда, энг аввало, ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган дастурий лойиҳаларнинг аҳамияти каттадир. Бу лойиҳаларни ишлаб чиқишида биринчи навбатда вилоятда мавжуд илмий-иқтисодий салоҳият хомашё базаси мавжудлиги, ишчи кучининг жойлашуви, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг унумдорлиги, аҳолининг маҳсулотларга бўлган талаби, келгусида ривожлантириш мумкин бўлган имкониятлар инобатга олинади. Бухоро вилоятида ҳам, ҳудудлар ихтисослашувидан келиб чиқиб, танқис маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш ҳисобидан 2015 йилгача жами 192 та лойиҳа амалга оширилади. Мазкур лойиҳалар учун беш йил мобайнida жами 48 млн АҚШ доллари ва 51,5 млрд сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиши кутилмоқда. Натижада, саноат соҳасида 36 мингта янги ишчи ўринлари яратилади.

Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиши, ахоли даромадларининг кўпайиши, турмуш даражаси яхшиланиб бориши вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши билан белгиланади.

Юқорида қайд этилганидек, вилоядта ялпи ҳудудий маҳсулотнинг жадал ва барқарор ўсишига эришиш учун, энг аввало, иқтисодиётнинг барча соҳалари каби саноат тармоғини ривожлантиришда ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳаларнинг самарали жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

ANNOTATION

The topic of the article is about projects being effectively realized and implemented within frames of wild-scale reforms and social programs. The author provides the analysis of these activities' importance in the field of growth of population's welfare.



«G`IJDUVON GOFROYASHIK SERVIS» MCHJ

2008 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур жамиятда Хитой техника ва технологиялари ёрдамида гофрин яшиклар ва гофрин созлари ишлаб чиқарилади. Республикаизда ушбу маҳсулотларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

Масалан, мазкур жамият Самарқанд вилоятидаги «СИНО» корхонаси, вилоятдаги «ДЭУ текстайл Бухара» хорижий корхонаси ҳамда «Когон-ёғ» ОАЖга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Манзил:

Риждувон тумани,
Эсуф Ҳамадоний кўчаси, 61/1
тел.: +99898 274-42-30



Хизматлар лицензияланган